

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАЕВ МУНИС ОТАБОЕВИЧ

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертаци
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Хўжаев Мунис Отабоевич

Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-
мафкуравий компетентликни ривожлантириш..... 5

Ходжаев Мунис Отабоевич

Развитие идейно-идеологической компетентности у студентов
педагогических высших образовательных учреждений 27

Khujaev Munis Otaboevich

Development of ideological and ideological competence in students of
pedagogical higher education institutions..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХЎЖАЕВ МУНИС ОТАБОЕВИЧ

**ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ
ТАЛАБАЛАРИДА ҒОЯВИЙ-МАФКУРАВИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Ped1310 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tdpu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжаев Бегзод Худойбердиевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ибрагимов Холбой Ибрагимович
педагогика фанлари доктори, профессор

Қуронов Муҳаммаджон
педагогика фанлари доктори, профессор


Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» 09 соат 8⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1420 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 09 куни тарқатилди.
(2021 йил «10» 09 да 20 - рақамли реестр баённомаси).


Б.С.Абдуллаева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор


Р.Г.Исянов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент


Н.А.Муслимов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қўшидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, касбий компетенциялар негизида шахсий компетентликни қарор топтириш, фаол фуқаролик позициясини шакллантиришнинг ташкилий-педагогик механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида, жумладан, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Япония, Жанубий Корея, Россия Федерацияси олий таълим муассасаларида фуқаролик ва сиёсий маданиятни ривожлантиришга доир электив курсларни ўқитиш амалиёти йўлга қўйилган бўлиб, ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг касбий фаолиятдаги ўрни ва аҳамияти, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришда Soft skills (мослашувчан кўникмалар) моделини самарали қўллаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида махсус ташкил этилган аудиториядан ташқари фаолият жараёнида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий компетенцияларни ривожлантириш, аксиологик ёндашув асосида бўлажак педагогларни ғоявий-мафкуравий тарғибот фаолиятига тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик тизимини ишлаб чиқишга доир илмий изланишлар олиб борилмоқда. Айниқса, бўлажак педагогларни ўқувчиларда шахсий ахборот хавфсизлиги кўникмаларини шакллантиришга тайёрлашнинг кооператив таълимга асосланган технологияларини такомиллаштириш, талабаларни объектив ва субъектив риск(хавф)лар шароитида самарали қарорлар қабул қилишга тайёрлашнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, жамиятни ахборотлаштириш ва глобаллашув шароитида талабаларда миллатлараро компетентликни ривожлантириш, ғоявий-мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши сифатида этник толерантлик ва диний бағрикенгликни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, талаба-ёшларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялашда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш, шахсни турли ёт ғоялар таъсиридан ўз-ўзини ҳимоя қилишнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”¹ устувор вазифалар этиб белгиланди. Бу эса, педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

ривожлантириш мазмуни ва моделини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда ўқувчи-ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, мафкуравий иммунитетини шакллантиришнинг фалсафий, педагогик асослари, ўқувчи-ёшларда тарихий тафаккурни ривожлантириш, ахборот истеъмоли маданиятини таркиб топтириш бўйича М.Абдужабборова, А.Акрамов, Ш.Акрамова, А.Бегматов, Г.Ибрагимова, И.Каримов, А.Маврулов, Д.Маматқулов, С.Мамашокиров, О.Мусурмонова, Н.Муслимов, Қ.Назаров, Ҳ.Норкулов, А.Очилдиев, М.Таджиева, Д.Турсунов, Б.Ходжаев, Б.Шермухаммадов, И.Эргашев, М.Қаххарова, Т.Қурбонов, М.Қуронов, З.Қосимовалар томонидан илмий изланишлар амалга оширилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари А.Айдагулова, А.Ашанин, Н.Бейлина, Н.Боритко, А.Вербицкий, А.Воронин, Э.Зеер, Т.Иванайская, В.Кириллова, С.Куницина, Ю.Кустов, Ю.Лившиц, О.Тогуюшова, Д.Хорват, В.Шипиловлар фуқаролик тарбияси, компетенциявий ёндашув асосида тарбиявий фаолиятни ташкил этиш, маънавий-ахлоқий компетентликни ривожлантириш масалаларини тадқиқ этишган.

Хорижлик олимлардан Ch.Blattberg, K.Dyrli, B.Kleiner, F.Koenen, R.Land, D.Minar, A.Mullins, H.Rheingold, S.Reid, H.Spencer, R.Shavelson, M.Unland, G.Walford, H.Walsby, D.Xarmonлар томонидан мафкура концепти, мафкура ва сиёсий хулқ-атвор, сиёсий фалсафа ва сиёсий мафқуранинг ўзига хос хусусиятлари, олий таълим жараёнига компетенциявий ёндашувни жорий этишнинг назарий-методологик жиҳатлари ёритиб берилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг тузилмасини такомиллаштириш;

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Жиззах давлат педагогика институтининг 270 нафар респондент-талабаси жалб қилинди.

Тадқиқотнинг предметини педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-таққослаш, педагогик кузатув, сўров, суҳбат, анкета, тест, интервью, педагогик эксперимент ва математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг концептуал асослари, дидактик структураси, педагогик-психологик хусусиятлари ва тузилмаси ғоявий-мафкуравий компетентликнинг фаол фуқаролик позицияси, мафкуравий профилактика, мафкуравий педагогика, ҳамкорлик педагогикаси устунларини эмоционал-мотивацион, информацион-когнитив, фаолиятга доир, аксиологик компонентлар билан горизонтал ва вертикал муносабатга киришиш даражасини ҳисобга олиш асосида аниқлаштирилган;

интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёни фанлараро модулли таълим, ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанларнинг имкониятларини кенгайтириш, ўқув мавзулари мазмунига умумий йўналишни кўрсатувчи, фанлараро интеграция асосида ўқув мавзуларини ўрганишга тайёргарликни ҳосил қилувчи ғоявий-мафкуравий компетентлик хусусий ва педагогик таъсир воситаларини

мувофиқлаштирувчи умумий тушунчалар ўртасидаги бевосита алоқадорликни таъминлаш орқали такомиллаштирилган;

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш моделининг амалий компоненти интерфаолликни таъминлаш, медиа тадбирларни ташкил этишнинг алгоритмик босқичларини аниқлаш, ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тақдимотини ўтказиш, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларга инструментал, мотивацион, когнитив, продуктив, рефлексив-баҳоловчи компонентлар комплекс ёндашувни татбиқ этиш имкониятини кенгайтириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари мослашувчан кўникмалар ва умуммаданий компетенцияларни индивидуал хулқ-атвор моделларини шакллантириш, вазиятга мос қарор қабул қилиш ва муаммоларга самарали ечим топиш малакаларини таркиб топтириш жараёнларига тизимли қўллаш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир медиа тадбир ишланмалари яратилган;

“Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Тарбия” фанларининг интерактив ўқув-услубий мажмуалари ишлаб чиқилган;

талабалар учун мўлжалланган “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” маънавий-маданий тадбир сценарийлари ишлаб чиқилган;

талаба-ёшларнинг маънавиятини юксалтириш бўйича “Бешта муҳим ташаббус”ни амалга оширишга доир услубий кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усуллар илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги даражаси математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг долзарб педагогик муаммо, ғоявий-мафкуравий компетентлик ҳуқуқий маданиятнинг муҳим омили эканлигининг асосланганлиги, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари ва педагогик-психологик хусусиятларининг аниқлаштирилганлиги, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интегрatív ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмунининг ёритиб берилганлиги, ижтимоий-гуманитар фанларнинг талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш имкониятларининг аниқлаштирилганлиги, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни

ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги, медиа тадбирларни ташкил этишнинг алгоритмик босқичлари аниқланганлиги, ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва тақдимотини ўтказиш йўллариининг кўрсатиб берилганлиги, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштирилганлиги, мослашувчан ва махсус компетенцияларни индивидуал хулқ-атвор моделларини шакллантириш, вазиятга мос қарор қабул қилиш ва муаммоларга ечим топиш малакаларини таркиб топтириш жараёнларига тизимли қўллашга доир илмий-услубий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва тузилмасини аниқлаштириш, ғоявий-мафкуравий компетентликнинг тўртта устунини эмоционал-мотивацион, информацион-когнитив, фаолиятга доир, аксиологик компонентлар билан горизонтал ва вертикал муносабатга киришиш даражасини ҳисобга олишга доир таклифлардан педагогика таълим соҳаси Давлат таълим стандарти ва 5111600 – Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълим бакалавриат йўналиши малака талабаларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 январдаги 89-03-16-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак педагогларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнини белгилаш, фанлараро модулли таълим асосида ижтимоий-гуманитар ва педагогик фанларнинг имкониятларини кенгайтириш, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш моделининг амалий компонентини такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси” ва “Тарбия фани Концепцияси”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 январдаги 89-03-16-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизимини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини аниқлаштириш, мослашувчан ва махсус компетенцияларни индивидуал хулқ-атвор моделларини шакллантириш, вазиятга мос қарор қабул қилиш ва муаммоларни бартараф қилиш малакаларини таркиб топтириш жараёнларига тизимли қўллашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан №ОТ-Ф1-36 “Талабалар маънавиятини диагностика қилиш механизмларини такомиллаштириш” (2015-2017 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 5 январдаги 89-03-16-сон маълумотномаси). Натижада, илғор хорижий тажрибалар асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ривожланганлигини баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 124 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентлиликни ривожлантириш ҳуқуқий маданиятнинг муҳим омили эканлиги, ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари, муаммонинг фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда ўрганилиши ёритиб берилган.

Ҳозирги кундаги замонавий таълимнинг вазифаси касбий, ҳуқуқий, миллий, маънавий-маърифий, мафкуравий ва маданий жиҳатдан талабаларнинг компетентлигини ривожлантириш масаласи билан боғлиқдир. Халқаро таълим андозаларига мосликнинг таъминланиши таълим мазмунига ғоявий-мафкуравий, маънавий-маърифий жиҳатлар ҳам киритилишини талаб қилади. Чунки ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бундан кейинги босқичлари жамиятга глобал миқёсда фикрлай оладиган, турли хил сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятларда ўз йўналишини топа оладиган, тараққийпарвар ғоялар ва мафкура билан қуролланган етук шахслар етказиб берилишини тақозо этади. Бундай шахсларнинг тайёрланишида эса, олий таълим тизими етакчи ва ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш ҳуқуқий маданиятнинг муҳим омили сифатида уларнинг жамиятда сиёсий-ҳуқуқий муносабатлардаги фаол иштироки, жамиятда қабул қилинган қонунлардан хабардорлиги, фуқароларнинг қонунга бўлган ҳурмати, ҳуқуқий нормаларнинг ижро этилиш даражаси, ҳуқуққа оид муносабатларда бевосита иштирок этишлари ҳамда фуқаролик бурч ва мажбуриятларини амалга оширишни тақозо этади.

Ўқитувчининг ҳуқуқий маданияти шахснинг умумий, шу жумладан, педагогик маданиятининг таркибий қисмини ўзида акс эттиради. Бу билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришга йўналтирилган, ҳуқуқий хулқ-атворни амалга оширишни таъминлашга хизмат қилувчи касбий нуқтаи назардан зарур ҳуқуқий қараш, тасаввур ва ҳис-туйғулар ҳамда ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбияси бўйича самарали фаолият тизимидир.

Мазкур фикрга таянган ҳолда, ўқитувчининг ҳуқуқий маданияти тузилмаси қуйидагича аниқлаштирилди: билим (ҳуқуқий маданиятнинг асоси сифатида); ҳуқуққа муносабат (қонунга ҳурмат, ҳуқуқий эътиқод); ижтимоий-фаол ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар; ўқувчиларни ҳуқуқий тарбиялашга тайёрлик.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳуқуқий маданият билан алоқадорликда бўлажак ўқитувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш қуйидаги идеологемлар (мафкуравий ижтимоийлашувнинг асосий элементлари) формуласи асосида амалга оширилиши лозим: “Ҳаёт сифати” (“Оила” – “Ижтимоий фаоллик” – “Мобиллик” – “Хавфсизлик”) – “Инсон (бола) ҳуқуқи” – “Обрў, кадр-қимматга эга бўлиш” – “Адолатлилик”. Мазкур идеологемлар ўқитувчини касбий-педагогик фаолиятга тайёрлашнинг ғоялар тизими – идеосфера билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Бўлажак ўқитувчиларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини ёритиб бериш мақсадида тадқиқот доирасида “ғоя”, “мафкура”, “компетенция”, “компетентлик”, “ғоявий-мафкуравий компетентлик” каби тушунчалар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилди.

Ғоя биз қурмоқчи бўлган буюк давлат, биз орзу қилиб яшамоқчи бўлган турмуш тарзи аломатларини белгилаб беради. Зотан, миллат ўз стратегик тараққиёт ғояларига, миллий тафаккурига эга бўлмаса миллат бўла олмайди. Аниқ, равшан стратегик вазифа бўлмаса, на бирор халқ, на бирор жамият ўз истиқболини кўра олмайди. Миллий ғоя миллат келажаги, тараққиёти ва истиқболини олдиндан кўриш ҳамда илмий фахмлашда катта ўрин тутаяди. Мафкура дейилганда, ижтимоий онг махсули сифатида муайян ижтимоий гуруҳ, синф ёки халқнинг дунёқарашини ифодалайдиган илмий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий ёхуд бошқа томондан, тизимга солинган ғоялар, тамойил ва категориялар йиғиндиси ҳамда уларнинг амалиётга татбиқ этиш йўллари, усул ва воситалари мажмуасини назарда тутиш лозим.

Компетенциялар – бу инсонга ҳаётий ва касбий муаммоларни ҳал қилиш, шахсий ва ўз-ўзини касбий жиҳатдан рўёбга чиқариш имкониятини берадиган хусусиятлар тўпламидир. Шунга кўра, компетенциялар бўйича “билим” қанчалик мос ва тўлиқ бўлса, одамлар турли соҳалардаги муаммо ва вазифаларни, яъни умуман сермахсул ҳаётий фаолиятни амалга оширишга шунчалик тайёр бўладилар.

Тадқиқот мавзуси билан боғлиқ адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш шуни кўрсатдики, 2016 йилгача амалга оширилган илмий изланишларда ғоявий-мафкуравий иммунитет масаласи фалсафий-педагогик нуқтаи назардан кенг ўрганилган. Жумладан, мафкура тушунчаси, миллий мафкуранинг баркамол шахсни тарбиялашдаги аҳамияти, шахс маънавияти ва миллий тарбия

муаммолари М.Қуронов, миллий маънавиятимиз ва мафкурамизнинг назарий ва тарихий-тадрижий масалалари М.Бекмуродов, ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғусини шакллантиришнинг асосий манбалари бўлган миллий ғоянинг моҳияти И.Эргашев, Х.Худайбердиев, А.Қахрамоновлар, маънавият ҳамда мафкура тушунчаларининг узвий боғлиқлиги ва алоқадорлиги, мустақиллик ва шахс маънавиятини шакллантириш масалалари А.Очилдиевларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Педагог олима З.Қосимова ўзининг “Ўқувчи-ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг педагогик асослари (Олий ўқув юртлари маънавий-маърифий ишлари мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида “ғоялар ҳақидаги билимлар”ни мафкуравий кўникманинг элементи сифатида талқин қилган.

М.Абдужабборованинг “Ўсмирлар орасида олиб бориладиган мафкуравий профилактика ишларининг ижтимоий-педагогик асослари (маҳалла фуқаролари йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолияти мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида “маҳалла мафкураси” тушунчаси қўлланилган ва қуйидагича таъриф берилган: “маҳалла мафкураси – бу бир маҳалла аъзоларига хос нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи. У маҳалла маънавий-сиёсий моҳиятининг инъикосидир, унинг ижтимоий-педагогик акс эттирилиши, бир бутун тизим ҳолига келтирилиши бузғунчи ғояларга қарши таянчни ҳосил қилади”.

Ш.Акрамованинг “Бўлажак божхона хизмати ходимларида мафкуравий иммунитетни ривожлантириш” мавзусидаги докторлик диссертациясида фалсафий тадқиқотлардаги ғоявий иммунитет тушунчасининг ўрнига “мафкуравий иммунитет” атамасини қўллаш анъанаси давом эттирилган. Бироқ диссертация мазмунида божхона хизмати ходимларининг касбий тайёргарлиги билан боғлиқликда “мафкуравий компетенция” масаласининг устувор аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин.

Д.Турсунов томонидан олиб борилган тадқиқот доирасида ғоявий-мафкуравий компетентлик ўқувчининг ғоя ва мафкура соҳасида чуқур билимга эгаллиги ва муайян мафкура бўйича кучли эътиқод (мафкуравий иммунитет)нинг шаклланганлиги ҳамда бунёдкор ғояларни кундалик фаолиятда қўллай олиш лаёқатидир, деган хулосага келинган.

Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, педагогик тадқиқотларда ғоявий-мафкуравий компетентликни мафкуравий иммунитет ва профилактика билан боғлиқликда талқин этишга алоҳида эътибор қаратилган. Миллий ғоя замонавий талқинда социал капитал, яъни “халқни уюшган ҳаракатга келтирувчи нормалар, норасмий қадриятлар мажмуи”, деган маънога ҳам эга. Шу маънода, миллий ғоя ва мафкура Ўзбекистон халқининг умумий мақсадга эришиш ресурсларини ифодалайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий-педагогик адабиётларда “ғоявий-мафкуравий компетентлик” атамаси жуда кам қўлланилган.


Республикамизда амалга оширилган айрим тадқиқотларда (Б.Ходжаев, Д.Маматкулов, Д.Турсунов) мазкур тушунчанинг қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин. Адабиётларни таҳлил этиш асосида “ғоявий-мафкуравий компетентлик” тушунчасининг моҳиятини таянч компетенцияларни таҳлил қилиш асосида аниқлаштириш мумкин, деган хулосага келинди.

Ғоявий-мафкуравий компетентликнинг компетенциявий ёндашув тизимидаги ўрнини аниқлаш мақсадида ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили куйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш имконини берди:

бир жиҳатдан, ғоявий-мафкуравий компетентлик ижтимоий-сиёсий субкомпетентликни ифода этиши мумкин. Бу эса, негизида ғоявий-мафкуравий билим, ғоя ва мафкураларни баҳолай олиш кўникмаси ҳамда ғоявий-мафкуравий тарғибот ва ташвиқот фаолиятини амалга ошириш қобилияти ётадиган шахсининг қадриятли йўналганлигисиз миллий ғоянинг аҳамиятини тўғри англаш ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий меъёрларни ўзлаштириш мумкин эмаслигини кўрсатади;

бошқа томондан эса, мазкур тушунчани дунёда ва мамлакат ҳаётида содир бўлаётган воқеалар, маданий-илмий мерос, тарихий ютуқларга ижобий муносабат, ўзининг жамиятдаги ўрнини тушунишга қобилиятли, ижтимоий ҳаётда онгли иштирок этувчи, ахлоқий етук, сиёсий саводхон шахсни ривожлантирувчи қадриятли-дунёқарашга доир субкомпетентлик сифатида талқин қилиш мумкин.

Тадқиқот доирасида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг тўртта устуни – фаол фуқаролик позицияси, мафкуравий профилактика, мафкуравий педагогика, ҳамкорлик педагогикасига асосланган ҳолда, унинг эмоцинол-мотивацион, инфорацион-когнитив, фаолиятга доир, аксиологик компонентлари аниқлаштирилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш тузилмаси

Таҳлилий маълумотлар асосида ғоявий-мафкуравий компетентликнинг эмоционал-мотивацион компоненти ғоявий-мафкуравий билимларни эгаллаш, турли тил, миллат, маданиятларни ўзлаштиришга қизиқиш, эҳтиёжларнинг барқарор намоён бўлиши, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олиш, жамиятда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳиссини англаш, ватанпарварлик ва фаол фуқаролик позициясига эга бўлишга интилиш кабиларни ўз ичига олади, деган хулосага келинди.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг инфорацион-когнитив компоненти ғоя ва мафкураларга доир ахборотлар устида ишлаш, ахборотларни мустақил таҳлил этиш ва тўғри хулосалар чиқариш, коммуникатив таъсир кўрсатиш усулларини билиш ва амалиётда қўллай олишни кўзда тутди.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг фаолиятга доир компоненти мустақил равишда ғоявий-мафкуравий қарашларни таққослаш, ўзининг ғоявий иммунитетини мустаҳкамлаш, ғоявий-мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишнинг самарали усулларини қўллай олишни ўз ичига қамраб олади.


Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг аксиологик компоненти жамиятда амалга оширилаётган ислохотларга аксиологик онг, муносабат, йўналганлик ҳамда бўлажак ўқитувчиларда касбий фаолиятга қадриятли ёндашувни таркиб топтиришни кўзда тутди.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш интеграл тавсифга эга бўлиб, эмоционал-мотивацион, инфорацион-когнитив, фаолиятга доир ва аксиологик компонентлар бирлиги ва ўзаро алоқадорлигини тақозо этиб, ҳамкорлик педагогикаси, мафкуравий профилактика, мафкуравий педагогика ва фаол фуқаролик позициясининг имкониятларини кенгайтиришни талаб этади.

Диссертациянинг **“Педагогика олий таълим муассасалари талабаларида ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг амалий-технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мазмуни, модели ва педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.


Тадқиқотнинг муҳим йўналиши сифатида ижтимоий-гуманитар фанлар мазмунидаги мавзуларни интеграциялаш орқали талаба-ёшларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш имкониятларини ўрганиш мақсадида миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими бакалаврият таълим йўналиши асосий база сифатида белгилаб олинди. Жумладан, мазкур таълим йўналиши ўқув режасининг “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар” блокадаги “Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти”, “Умумқасбий фанлар” блокадаги “Умумий психология”, “Умумий педагогика”, “Миллий ғоя ва маънавият асослари” туркумига кирувчи мутахассислик фанлари, “Танлов фанлар” блокадаги “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” модулларини ихтисослик фанлари билан интеграциясини таъминлаш асосида

талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга оид таълимий тажриба-синов ишлари амалга оширилди. Бунинг учун талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш компонентларига мувофиқ, интеграцион “таянч” фанлар белгилаб олинди (2-расмга қаранг).



2-расм. Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг интегратив мазмуни

Интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир эмпирик-аналитик тадқиқот натижалари асосида қуйидаги педагогик тизим ишлаб чиқилди (3-расмга қаранг).



3-расм. Интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик тизими

3-расмда ифода этилган интегратив ёндашув асосида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик тизими мазкур жараённи ташкил этиш модели ва педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш учун асос сифатида хизмат қилди.

Бугунги кунда талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир қатор замонавий ёндашувлар мавжуд. Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг умумий методологик асосини мазкур жараёни ўзаро алоқадор таркибий асослардан иборат яхлит педагогик тизим сифатида талқин қилиш имконини берувчи тизимли ёндашув ташкил этади. Тизимли ёндашув асосида шахснинг яхлит ижтимоий сифати тарзида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентлик ҳақидаги тасаввурлар таркиб топади. Мазкур ёндашув талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёни моделини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишнинг самарали йўллари аниқлаш имконини беради. Тадқиқот учун аниқ-методологик асос сифатида фаолиятга доир, шахсга йўналтирилган, аксиологик ёндашувлар белгилаб олинди.


Ғоявий-мафкуравий компетентлик тузилмаси ва компонентларига асосланиш тадқиқот доирасида мазкур жараёни амалга ошириш самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи педагогик моделни ишлаб чиқиш имконини берди. Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш мақсадида лойиҳалаштирилган модел очик тавсифга эга бўлиб, бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш билан бевосита боғлиқликда ишлаб чиқилган.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятнинг самараси энг аввало, унинг мақсадини тўғри белгилаб олиниши билан боғлиқ. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган модел ўз олдига аниқ мақсадни белгилаб олган: талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқиш.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш модели қўйилган мақсадга эришишни таъминлайдиган учта блокни ўз ичига қамраб олган (3-расмга қаранг).

1. Мақсадли-жараёдли блок ўзида ижтимоий буюртма, мақсад ва вазифаларни акс эттирди. Ижтимоий буюртма сифатида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш, бўлажак педагогларда фаол фуқаролик позициясини таркиб топтириш белгилаб олинган. Ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида мақсадни аниқлаш ижтимоий-педагогик тизим сифатида алоҳида аҳамият касб этувчи омиллар таъсирини ҳисобга олишни таъминлайди.

2. Амалий блок талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган бешта алгоритмик босқични ўзида ифода этган: фаолиятни режалаштириш; ташкил этиш; амалга ошириш ва баҳолаш; рефлексия; коррекция. Бу босқичлар ўз навбатида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш шакл ва методларини ҳам аниқлашга хизмат қилади. Ташкилий-педагогик шарт-шароитлар режалаштирилган фаолиятни аниқ белгиланган мазмун билан тўлдирди. Мазкур шарт-шароитларни синовдан ўтказиш ва текшириш талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш бўйича тажрибавий фаолият давомида амалга оширилди.



3-расм. Талабаларда ғоявий-мафқуравий компетентликни ривожлантириш модели

3. Баҳоловчи-натижавий блок ўзида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ривожланганлигини баҳолаш мезонлари, кўрсаткичлари ва даражаларини акс эттирган. Мезонларни белгилашда уларнинг ғоявий-мафкуравий компетентликнинг компонентлари билан айнан мос бўлиши ҳисобга олинди. Бу эса, компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан мақбул ҳолат саналади. Ҳар бир мезонга мос кўрсаткичларни аниқлаштиришда бир томондан, уни табиий шароитда текшириш имкониятининг мавжудлиги, иккинчи томондан, ташхис воситаларини танлашнинг қулайлиги ҳисобга олинди.

Моделнинг блоклари ўзаро бир-бирига алоқадор бўлиб, яхлитлик касб этади. Уларни фақат шартли равишда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш жараёнида тизим компонентларининг ўзаро ҳаракатини янада аниқлаштириш мақсадида назарий жиҳатдан қисмларга ажратиш мумкин. Модел блокларининг ҳар бири ўзининг функциялари, махсус танлаб олинган мазмуни ва дидактик ўзига хосликларига эга бўлиб, ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир умумий педагогик вазифанинг маълум бир қисмини ҳал этишга хизмат қилади.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари мажмуи деганда, мазкур жараённинг юқори даражада амалга ошишини таъминлайдиган зарурий ва муҳим чора-тадбирлар йиғиндиси тушунилади.

Тадқиқотда О.Лешер томонидан таклиф этилган педагогик шарт-шароитлар таснифидан фойдаланилди. Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотнинг ўзига хос жиҳатини ҳисобга олиб, ҳам назарий, ҳам амалий тавсифга эга педагогик шарт-шароитларни аниқлаштириш лозим, деган хулосага келинди.

Назарий тавсифга эга педагогик шарт-шароитларга қуйидагилар киритилди: талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган “Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш” махсус курсини таълим амалиётига жорий этиш; талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришда мослашувчан кўникмаларнинг (Soft skills) муҳимлигини асослаш.

Амалий педагогик шарт-шароитларга қуйидагилар киритилди: талабаларни лойиҳавий фаолиятга жалб этиш; ғоявий-мафкуравий компетентликнинг асоси сифатида мослашувчан кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган волонтерлик ва касбий-ролли фаолиятни ташкил этиш; талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган самарали шакл, метод ва воситаларни тизимлаштириш.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган самарали шакл ва методларни ишлаб чиқиш амалий педагогик шарт-шароит сифатида тадқиқот учун муҳим аҳамият касб этди. Дастлаб талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар тизимлаштирилди (1-жадвалга қаранг).

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари

Шакллари	Методлари	Воситалари
Ахборот ва мураббийлик соатлари, ижодий ишлар танлови, ҳуқуқ кунлари, олимпиадалар, суҳбатлар, викториналар, ижодий кечалар, анъанавий спорт ва маданий тадбирлар, медиа тадбирлар, тарғибот гуруҳларини ташкил этиш, тўғараклар, экскурсиялар	Мунозара, фикрларни ҳимоя қилиш, интеллектуал ўйинлар, ролли ўйинлар, видеолекторийлар, ўйин-тренинглар, рефлексив машқ, гуруҳий мунозара, асосланган эссе	Мақсадли тарбиявий дастурлар, Интернет сайтлари, веб саҳифалар, виртуал музей, электрон газета, диагностик метод ва методикалар

Тадқиқот доирасида аниқ вазиятларнинг таҳлилини амалга ошириш бўйича талабаларнинг рефлексив нуқтаи назарини шакллантириш учун қўлланиладиган машқ ва топшириқлар мажмуи ишлаб чиқилди.

1. “Вазият таҳлили: Мен қадрлайман...”

Мақсад: ижобий Мен-образи яратиш, ҳар бир иштирокчида эмпатияни ривожлантириш, ўз-ўзига берадиган баҳосини кўтариш.

Аниқ вазиятлар таҳлилидан сўнг, ўқитувчи ҳар бир иштирокчидан куйидаги фикрларни айтишни сўрайди: “Мен ўзимдаги ... қадрлайман”, “Мен ...даги (гуруҳдошларидан бирининг исми) ... қадрлайман”, “Мен ҳаётда ...ни қадрлайман”.

Машқ тугагунга қадар профессор-ўқитувчи талабалардан уни бажариш жараёнида юзага келган фикр ва ҳиссиётлар билан ўртоқлашишни сўрайди.

2-машқ. “Вазият таҳлили: Қайта алоқа”.

Мақсад: гуруҳнинг ҳар бир аъзосида эмпатия ва рефлексияни ривожлантириш.

Талабаларга жуфтликларга бўлиниш ва аниқ вазиятни таҳлил қилишга доир топшириқни бажариб бўлгандан сўнг шеригининг эмоционал ҳолатини баҳолаш таклиф этилади. Биринчи талаба таҳлил жараёнида бирор бир ҳолат шеригида ижобий ёки ўзга бир таассурот қолдирганлигини аниқлашга уринади. Сўнгра, ўринлар алмашинади. Навбатдаги талаба қайта алоқани амалга оширади, яъни роллар алмашинади.

3. “Мен “мафкуравий уруш”га қаршиман, чунки...” мавзусида асосланган эссе ёзиш.

Мақсад: талабаларни мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланишга доир билим, кўникма, малака ва информацион-таҳлилий компетенциядан фойдаланишга ўргатиш. Талабаларда мазкур фаолият турига дахлдорлик туйғусини таркиб топтириш.

Диссертациянинг “Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш самарадорлиги” деб номланган учинчи бобида талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишлари мазмуни, натижалари ва таҳлили ёритиб берилган.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг муваффақияти қуйидаги педагогик шарт-шароитларни яратиш орқали таъминланди: тажриба-синов материаллари мазмуни асосий мақсаддан келиб чиққан ҳолда танланганлиги; тажриба-синов материалларига мос келадиган дидактик воситалар, шакл, усул ва методларнинг танланганлиги; тажриба-синов жараёни иштирокчилари – респондентлар сонини таққослаш, қиёслаш имкониятини берадиган кўрсаткич бўла олишига эришилганлиги; респондентларнинг тажриба-синов ишлари мазмун-моҳиятидан тўлақонли тарзда хабардор этилганлиги; тажриба-синов ишлари натижаларининг доимий равишда умумлаштириб таҳлил этилганлиги; умумий натижаларни қайта таҳлил этиш имкониятини берадиган математик-статистик методларнинг аниқланганлиги.

Қўйилган мақсад ва вазифалар билан боғлиқликда 2017 йилдан 2020 йилгача уч босқичда тажриба-синов ишлари амалга оширилди.

Аниқлаштирилган мезонлар бўйича тажриба-синов ишларининг ишончлилигини таъминлашда қуйидаги талаблар ҳисобга олинди: мезонлар қатор кўрсаткичлар асосида очиб берилиши лозим; мезонлар вақт ва маконда сифатнинг динамик ўзгарувчанлигини акс эттириши лозим.

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликни ривожлантириш даражаларига мувофиқ, мезон, кўрсаткич ва диагностик методикалар аниқлаштирилди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Талабаларда ғоявий-мафкуравий компетентликнинг ривожланганлик даражасини аниқлаш мезонлари, кўрсаткичлари ва диагностик методикалари

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Диагностик методикалар
